

**UZINFOCOM компьютер ва ахборот технологияларини  
ривожлантириш ва жорий этиш маркази  
Халқ таълими вазирлиги**

**ZiyoNET порталида бепул  
сайт-сателлитлар яратиш**

**ЙЎРИҚНОМАСИ**

**Тошкент – 2016 йил**

## ТУЗУВЧИЛАР

1. У.Н. Тайлаков - Ziyonet RMнинг Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги бўлими бошлиғи
2. Х.А. Носиров - Ziyonet RMнинг Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги бўлими 1-тоифали мутахассиси
3. Б.Ш. Сулаймонов - Ziyonet RMнинг Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги бўлими 1-тоифали мутахассиси
4. Ф.И. Ходжаева - Ziyonet RMнинг Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги бўлими 1-тоифали мутахассиси

Ziyonet Ресурс маркази бошлиғи В.В. Скобелева умумий таҳрири остида.

UZINFOCOM компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ва жорий этиш марказининг 29.03.2016 йил –сонли баённомаси билан нашрга тавсия этилган.

## Кириш

### **Сателлит-сайтларини яратиш ва уларнинг техник таъминотини олиб бориш**

Бунда ўқувчилар, ўқитувчилар ва бошқа фойдаланувчилар учун Ресурс маркази томонидан zn.uz доменида бепул сайт (сателлит-сайти) яратиш имконияти яратилган. Ушбу сайтларда, асосан, таълим муассасалари ҳақида кундалик долзарб янгиликлар жойлаштирилади. Сателлит-сайтлардаги барча маълумотлар муаллиф ва ҳаммуаллифлар томонидан жойлаштирилади.

Бугунги кунда zn.uz доменида **26000** дан ортиқ сателлит-сайтлари рўйхатдан ўтган.

### **1. Сайт-сателлитлар ҳақида тушинча**

**Сайт-сателлит** – ўқувчи, талаба, ўқитувчи ёки бошқа ташаббускор фойдаланувчилар томонидан Ziyonet порталида [zn.uz](http://zn.uz) домени остида бепул веб-сайт яратиш имконияти.

**Сайт-сателлитлар** WordPress контентларни бошқариш тизими асосида ишлайди.


**WordPress** — Content Management System (CMS) Контентларни бошқариш тизими PHP веб дастурлаш тилида ёзилган бўлиб, унда CSS стиллари, JavaScript кодлари, HTML теглари ишлатилган.

Бу CMS асосан шахсий блог сайтлар яратишга мўлжалланган бўлиб, лекин ҳозирги кунда исталган мураккабликдаги сайтларни ҳам бу тизим орқали яратиш мумкин.

WordPress CMS яратувчилари доимий равишда тизимни янгиланган боришади ва ҳар бир янгиланишда қўшимча функциялар жорий этилиб борилади. Шунингдек, тизимда рўй берадиган хатоликлар ҳам тўғирланиб борилади. Бу CMS бошқа CMSлардан афзаллиги шундаки, унинг администратор панели жуда қулай ва тушунарлилигидадир.

## 2.1. Сайт-сателлитлар яратиш тартиби

Сайт-сателлит яратиш имконияти билан  
<http://info.ziyonet.uz/uz/post/view/services/create> ҳавола орқали ўтиб  
танишишингиз мумкин.



1-расм

Сўнгра 1-расмда кўрсатилган [сайт-сателлитларни яратиш қонун-қоидалари](http://blogs.ziyonet.uz/uzc/blog/create) (<http://blogs.ziyonet.uz/uzc/blog/create>) ҳавола орқали сайт яратиш қоидалари билан танишасиз. (2-расм)

ТРАНСПИТ

ХАТО ТУТРИСИДА МАЪЛУМ ҚИЛИШ

Барча йўналишлар	26374
Умумий таълим	4469 ▾
Ўрта махсус таълим	267 ▾
Олий таълим	285 ▾
Илм	150 ▾
Маданият	79 ▾
Спорт	194 ▾
Жамият	63 ▾
Hi-Tech	281 ▾
Бизнec	68 ▾
Янгиликлар ва ОАВ	63 ▾
Хордиқ	275 ▾
Уй	12 ▾
Давлат бошқарув органлари	14 ▾

## ZiyoNETda – сайт - сателлитларни яратиш ва улардан фойдаланиш қоидалари

Маъжур Қоидалар ZiyoNET ахборот ресурс порталида сайт-сателлитларни яратиш ва улардан фойдаланиш шартлари тавсифидир. ZiyoNET сайт-сателлитнинг эгасига айланган фойдаланувчи қуйида кўрсатилган Қоидаларнинг барча шартларини қабул қилиб, уларга амал қилиш мажбуриятини олади:

1. ZiyoNET порталнинг сайт-сателлитлари интернет тармонидagi сайтлар билан ишлаш ва уларни бошқариш билан танишишнинг дастлабки босқичи ҳисобланади. Сайт-сателлитларнинг фаолияти интернет тармонидagi ахборот-таълимий ресурслар билан ишлашга ўргатиш ҳамда ўқувчилар, ўқувчилар ва барча фойдаланувчиларнинг ушбу йўналишдаги илм даражасини оширишга қаратилган. Сайт-сателлитлар, соzланган ва ишлашга тайёрланган Wordpress (CMS) контентни бошқариш тизимида яратилади. Барча сайт-сателлитлар 3-даражали «zn.uz» доменида жойлашган.
2. ZiyoNET порталида сайт олиш ҳуқуқини фақатгина ID.UZ авторизация тизимида рўйхатдан ўтган фойдаланувчигина қўлга киритиши мумкин.
3. Сайт-сателлит очишга талабнома берилгандан сўнг, 3 кун ичида фойдаланувчининг электрон почта манзилига тасдиқ ёки рад жавоби ҳақидаги билдиришнома юборилади.
4. Сайт мазмуни – контентни (мақола матнлари, расмлар, видео ва –сайт-сателлитда чиқарилган бошқа ресурслар) – учун жавобгарлик сайт эгасининг зиммасидадир.
5. Барча сайт-сателлитларнинг янгиликлар киритилиши ҳопати гоҳ-гоҳ текириб турилади. Хар бир сайт-сателлитга охириги 3 ой мобайнида камиди 5 та мақола жойлаштирилган бўлиши шарт.
6. Сайт-сателлитлар ўзга сайтларни реклама қилувчи ва оммалаштирувчи ахборот майдончаси ҳисобланмайди.
7. ZiyoNET порталидаги сайт-сателлитлар Ўзбекистон Республикаси конунчилигига ва умумий ахлоқ нормаларига зид бўлган, қолаверса, тажовузорлик, босқинчилик, уруш, ирқчилик тарғиб этилган материаллардан ҳопи бўлиши шарт.
8. Ушбу қоидаларга риоя қилинмаган ҳолда, фойдаланувчининг рўйхатдан ўтиш жараёнида кўрсатиб ўтилган почта манзилига келгуси икки ҳафта мобайнида янгилик киритиш кераклиги кўрсатилган огоҳлантириш хати юборилади. Огоҳлантириш юборилгандан сўнг икки ҳафта ўтган фойдаланувчи сайтига янги маълумот киритмаса, сайт маъмурияти сайтни ёпиб қўйиш, кейинчалик эса сайтни ўчириш ҳуқуқига эга.
9. ZiyoNET порталнинг маъмурияти сайт-сателлитларнинг ишлаш жараёнида техник носозликлар юз берганида дастурий таъминотта оид техник ёрдам кўрсатадилар.
10. ZiyoNET порталнинг маъмурияти сайт ишлаб чиқариш, уни тўлдириш ва ривожлантириш ишларини амалга оширмайди.

Для создания сайта-сателлита Вам нужно авторизоваться

### 2-расм

## 2.2. ID.uz – ягона идентификациядан ўтказиш тизимидан рўйхатдан ўтиш тартиби

Сайт-сателлит яратиш учун албатта ID.uz – ягона идентификациядан ўтказиш тизимидан рўйхатдан ўтиш зарур. Бунинг учун браузернинг манзиллар ускунасида www.id.uz сўзи ёзилади ва тизимга кирилади.

### 3-расм

Сўнгра тизимда “Ro’yxatdan o’tish” тугмаси босилади.

UZ | RU  
BOSH SAHIFA MALUMOTLAR YANGILIKLAR QAYTA ALOQA LOYIHA HAQIDA

Kirish Ro'yxatdan o'tish

Ro'yxatdan o'tish

Login\*:  
Familyasi\*:  
Ismi\*:  
Otasining ismi\*:  
uMail.uz da pochta qutisi ochish:   
E-mail\*:  
Maqbul parol\*:  
Parolni qayta kiriting\*:  
Parol umumiy qo'llaniladigan so'z bo'lmasligi kerak  
Parol login bilan bir xil bo'lmasligi kerak  
Parolda 6 ta belgidan ko'p bo'lishi kerak

X44E

Jo'natish

© 2008-2016 UZINFOCOM Markazi,  
Telefon: (+998 71) 238-42-28

UZ-CENTRO DATA CENTER  
UZINFOCOM


Top reyting www.uz

#### 4-расм


Ушбу ойнада (4-расм) сўралган барча саволларга тегишли маълумотлар киритилиб, “Jo’natish” тугмаси босилади. Шундан сўнг фойдаланувчи мазкур тизимда ўзининг login ва paroliga эга бўлади.

### 2.3. Янги сайт-сателлит яратиш

Янги сайт-сателлит яратиш учун Ziyonet порталининг бош саҳифасида “Veb-sayt yarating va ma'lumotlar ulashing” иконкаси босилади. (5-расм)



5-расм



6-расм

Бу ойнадан “Kirish” тугмаси босилади, id.uz тизимидаги login ни киритилиб, “Kirish” тугмаси босилади (7-расм), сўнг паролни киритиб “Войти” тугмаси босилади. (8-расм)

Avtorizatsiya

Login\*  .id.uz

[Kirish](#)

[Ro'yxatdan o'tish](#) | [Parolni qayta tiklash](#)

7-расм

Аутентификация ID.UZ

[Логин/пароль](#) [Смарт-карта](#)

Запомнить меня

[Восстановление пароля](#)

[Войти](#)

8-расм

Авторизациядан ўтилганидан кейин фойдаланувчилар учун “Сайт-сателлитлар” бўлимида “Сайт-сателлит яратиш” тугмаси (9-расм) кўринади. “Сайт-сателлит яратиш” тугмаси босилганидан кейин Сайт-сателлитлар яратиш бўйича қоидалар билан танишиш имконияти яратилади:

TA'LIM PORTALI **ZiyoNET**        O'zbekcha

Asosiy > [Sayt-satelлитlar](#) > [Sayt-satelлит yaratish](#) [Sayt-satelлит yaratish](#)

Barcha yo'nalishlar	26392
Umumiy ta'lim	4472
O'rta maxsus ta'lim	267
Oliy ta'lim	286
Ilm	150
Madaniyat	73
Sport	194
Jamiyat	63
Hi-Tech	283
Biznes	68
Yangiliklar va OAV	63
Hordiq	275
Uy	12
Davlat boshqaruv organlari	14

### ZiyoNETda – sayt - satelлитlarni yaratish va ulardan foydalanish qoidalari

Mazkur Qoidalar ZiyoNET axborot resurs portalida sayt-satelлитlarni yaratish va ulardan foydalanish shartlari tavsifidir. ZiyoNET sayt-satelлитining egasiga aylangan foydalanuvchi quyida ko'rsatilgan Qoidalarning barcha shartlarini qabul qilib, ularga amal qilish majburiyatini oladi:

- ZiyoNET portalining sayt-satelлитlarni internet tarmog'idagi saytlar bilan ishlash va ularni boshqarish bilan tanishishning dastlabki bosqichi hisoblanadi. Sayt-satelлитlarning faoliyati internet tarmog'idagi axborot-ta'limiy resurslar bilan ishlashga o'rgatish hamda o'qituvchilar, o'quvchilar va barcha foydalanuvchilarning ushbu yo'nalishdagi ilm darajasini oshirishga qaratilgan. Sayt-satelлитlar, sozlangan va ishlashga tayyorlangan Wordpress (CMS) kontentni boshqarish tizimida yaratiladi. Barcha sayt-satelлитlar 3-darajali «zn.uz» domenida joylashgan;
- ZiyoNET portalida sayt olish huquqini faqatgina ID.UZ avtorizatsiya tizimida ro'yxatdan o'tgan foydalanuvchigina qo'lga kiritishi mumkin.
- Sayt-satelлит ochishga talabnoma berilgandan so'ng, 3 kun ichida foydalanuvchining elektron pochta manziliga tasdiq yoki rad javobi haqidagi bildirishnoma yuboriladi.
- Sayt mazmuni – kontent (maqola matnlari, rasmlar, video va –sayt-satelлитda chiqarilgan boshqa resurslar) – uchun javobgarlik sayt egasining zimmasidadir.
- Barcha sayt-satelлитlarning yangiliklar kiritilishi holati goh-goh tekshirib turiladi. Har bir sayt-satelлитga oxirgi 3oy mobaynida kamida 5 ta maqola joylashtirilgan bo'lishi shart.
- Sayt-satelлитlar o'zga saytlarni reklama qiluvchi va ommalashtruvchi axborot maydonchasi hisoblanmaydi.
- ZiyoNET portalidagi sayt-satelлитlar O'zbekiston Respublikasi qonunchiligiga va umumiy ahloq normalariga zid bo'lgan, qolaversa, tajovuzkorlik, bosqinchilik, urush, irqchilik targ'ib etilgan materiallardan holi bo'lishi shart.
- Ushbu qoidalarga rioya qilinmagan holda, foydalanuvchining ro'yxatdan o'tish jarayonida ko'rsatib o'tilgan pochta manziliga kelgusi ikki hafta mobaynida yangilik kiritish kerakligi ko'rsatilgan ogohlantirish xati yuboriladi. Ogohlantirish yuborilgandan so'ng ikki hafta o'tgach foydalanuvchi saytiga yangi ma'lumot kiritmasa, sayt ma'muriyati saytni yopib qo'yish, keyinchalik esa saytni o'chirish huquqiga ega.
- ZiyoNET portalining ma'muriyati sayt-satelлитlarning ishlash jarayonida texnik nosozliklar yuz berganida dasturiy ta'minotga oid texnik yordam ko'rsatadilar.

9-расм

1. Сайт-сателлитлар яратиш бўйича талабнома бериш шакли билан ишлаш:

- Қоидалан билан танишиб чиқилади ва **“Мен қоидалан билан танишиб чиқдим ва қоида шартларига розиман”** ойнасига розилик белгиси қўйилади:

Men qoidalar bilan tanishib chiqdim va qoida shartlariga roziman

Sayt nomi \*

Sayt domeni \*  .zn.uz

Tavsif \*

Bo'lim \*

- “Сайт номи” – бунда сайтнинг қисқача мазмуни акс эттирилган жумла ёзилади. Унда ўқитувчи, ўқувчи, мактаб ёки таълимнинг бошқа турига ихтисослашган маълумотлар ёзилади.

- “Сайт домени” – яратилаётган веб саҳифанинг интернет тармоғидаги номи. Сайт домени ойнасини тшлдириш жараёнида қуйидагиларга эътибор бериш керак:

- фақат лотин алифбосида тўлдириш;
- бош ҳарфлардан фойдаланмаслик;
- сонларни фақат ҳарфлардан кейин ёзиш;
- тиниш билгиларидан фақат ўртада чизиқча “-”дан фойдаланиш;
- сайт домени яратилаётган веб саҳифага мос келиши.

Масалан: [geografiya.zn.uz](http://geografiya.zn.uz), [olmazormaktab5.zn.uz](http://olmazormaktab5.zn.uz), [ingliz-tili.zn.uz](http://ingliz-tili.zn.uz)


- Тавсиф ойнасига яратилаётган сайт-сателлитнинг қайси соҳага ихтисослаштирилганлиги ва ушбу веб саҳифага қандай ресурслар жойлаштирилиб борилиши ҳақида маълумотлар киритилади. Мазкур ойнада киритилган белгилар 50 тадан кам бўлмаслиги шарт.

- Барча ойналар аниқ ва бехато тўлдирилганлигига амин бўлгандан сўнг “Сайт яратиш” тугмаси босилади.


**Эслатма! Фойдаланувчилар томонидан “Сайт-сателлит” яратиш бўйича юборилган талабномалар модераторлар томонидан 3 иш кунда кўриб чиқилади.**

## 2.4. Сайт-сателлит маъмурлиги – Администратор бўлими билан танишиш


Яратилган сайтга кириш учун браузернинг манзиллар панелига сайт номи <http://sayt-satellit.zn.uz/> кўринишида киритилади ва дастлаб янги очилган сайтларнинг ташқи кўриниши қуйидагича бўлади:



Сайт-сателлитнинг Администратор бўлимига ўтиш учун эса <http://saytdomeni.zn.uz/wp-admin> манзили киритилади. Сўнгра id.uz ягона идентификация тизими орқали авторизациядан ўтилади:




Кейин браузерда сайтнинг Администратор бўлими очилади:





Администратор саҳифаси куйидаги асосий қисмлардан иборат:

- юқори қисм – сайтнинг умумий ҳолати ҳақида маълумот берувчи ва асосий хоссаларга йўналтирувчи менюлар панели;
- чап қисми – сайтни бошқаришда фаол ишлатиладиган администратор менюлари;
- марказий қисм – бу энг катта қисм ҳисобланиб, унда сайтдаги ўзгаришлар, янгиликлар, ташрифлар, иқтибослар ва бошқа блоклар жамланмалари жойлашган.


“Администратор” бўлими билан танишишни юқори чап томондан бошлаймиз:




	<p>Уни босганимизда WordPressнинг расмий сайтидаги маълумотларга олиб борувчи меню очилади. Бундан ташқари ушбу логодаги биринчи бўлим орқали сайтимизда ўрнатилган WordPress дастури ҳақида умумий маълумот (версияси ва ҳ.к.) олишимиз мумкин.</p>
	<p>Бунда Id.uzдаги ягона логин орқали яратилган сайтлар рўйхатини кўришимиз мумкин.</p>
	<p>Бу иконкада сайтнинг номи чиқиб турадию Агар у сичқонча ёрдамида босилса сайтнинг бош саҳифасига ўтилади.</p>
	<p>Бу ерда сайтдаги мақолаларига қанча янги иқтибослар (комментарири) келгани кўрсатилиб турилади.</p>
	<p>“Добавить” (Кўшиш) менюси орқали сайтга янги мақола, саҳифа, медиафайл, фойдаланувчилар кўшиш учун алоҳида менюлар ажратилган</p>

Мазкур ишларни “Администратор” ойнасининг чап қисмидан фойдаланиб ҳам бажарса бўлади.



Сайтни бошқаришда фаол ишлатиладиган администратор менюси, билан танишиб чиқамиз:




1. Консоль (Консол). Менюнинг “Консол” қисмида админ панелининг асосий кўринишига ва янгиланишлар марказига ўтиш учун ҳаволалар мавжуд:




2. Записи (Мақолалар). “Мақолалар” банди орқали мавжуд мақолаларни кўришимиз, сайтга янги мақолалар кўшишимиз, сайтда мавжуд бўлимларни кўришимиз ва сайтда ишлатилаётган калит сўзларни кўздан кечириб чиқишимиз мумкин.




Сайтга мақола қўшиш учун “Добавить новую” тугмаси босилади ва куйидагича саҳифа очилади:




Таҳрирлаш ойнасига матн киритишимиз, кутубхонадан медиафайлларни қўйишимиз ҳамда ўрнатилган тайёр плагинлар орқали видеофайлларни осон юклашимиз мумкин. Натижа:



- Рубрики (Рукнлар) бандида сайтда ёритилган мақолаларни йўналишлари бўйича саралаш имкониятини беради. Янги рукн қуйидагича яратилади:




### 3. Медиафайлы (Медиафайллар):



“Медиафайлы” бўлими сайтимизнинг файллари сақланадиган кутубхонаси ҳисобланади. Бу ерда расм, аудио, видео, хужжатлар, архивлар, умуман, сайтга қандай файл юклаган бўлсак, барчаси кўринади. Бу бўлим орқали сайтга 2 МБдан кўп бўлмаган ҳажмдаги янги файл қўшиш ёки мавжудларини бошқариш мумкин.

**4. Ссылки (Хаволалар)** бўлимида сайтимиздан яна бошқа сайтларга ўтиш имкониятини берувчи хаволалар қўйиш имконияти мавжуд.



Добавить новую ссылку [Добавить новую](#)

Настройки экрана Yordam

**Имя**

Хавола номи

Пример: Отличная платформа для блога

**Адрес**

http://ziyonet.uz/

Пример: http://wordpress.org/ — не забудьте http://

**Тавсиф**

Хавола учун тавсиф

Будет показано, когда кто-то наводит курсор на ссылку из списка, или (возможно) под ссылкой.

**Во`лимлар**

Всича во`лимлар Часто используемые

Ссылки

[+ Добавить рубрику](#)

**Saqlash**

Оставить ссылку личной

[Havola qo`shish](#)

**Страницы** (Саҳифалар). “Саҳифалар” бандида сайтимизга янги саҳифалар қўшишимиз ва мавжуд бўлган ўзгармас (маълумот тез-тез янгилаб турилмайдиган) саҳифаларни бошқаришимиз мумкин.

Мои сайты Sayt-satellit 0 + [Добавить](#)

**Страницы** [Добавить новую](#)

Все (1) | Опубликованные (1)

Действия Применить Все даты Фильтр

Заголовок

[Пример страницы](#)  
Изменить | Свойства | Удалить | Перейти

Заголовок

Действия Применить

**Добавить страницу** Настройки экрана Помощь

Янги саҳифа номи

Постоянная ссылка: <http://sayt-satellit.uz/yanji-sahifa-nomi/> [Изменить](#)

[Добавить медиафайл](#) Визуально Текст

Янги саҳифани матн, расм, аудио, хавола ҳамда видеолар қўйиш имкониятларидан фойдаланган ҳолда бойитиши имконияти мавжуд.

**Опубликовать**

[Сохранить](#) [Просмотреть](#)

Статус: Черновик [Изменить](#)

Видимость: Открыто [Изменить](#)

[Опубликовать сразу](#) [Изменить](#)



[Удалить](#) [Опубликовать](#)

**Атрибуты страницы**

Родительская


(нет родительской)

**5. Комментарии (Иқтибослар).** “Иқтибослар” бўлимида мақолаларимизга сайт фойдаланувчилари томонидан билдирилган фикрлар, яъни иқтибослар бошқарилади:




Уларнинг тасдиқланмаган, янгилари сони юқоридаги расмдагидек кўрсатилади.






**6. Внешний вид (Ташқи кўриниш).** Ташқи кўриниш бўлимида сайтнинг ташқи кўринишига таъсир қилувчи шаблон, виджет, меню каби қисмларни соланади.



**6.1 Темы (Мавзулар)** бандида портал фойдаланувчилари сайт-сателлитларининг мақсадидан келиб чиққан ҳолда қайта ишланган WordPress (CMS)нинг 47 та шаблон вариантларидан бирини танлаш имкониятига эга. Бунинг учун мавзунини танлаб, “Активировать” (Фаоллаштириш) тугмаси босилади ва сайтнинг ташқи кўриниши сиз танлаган мавзу кўринишига ўтади:



**6.2 “Настроить” (Созлаш).** Сайтнинг ташқи кўриниши бўйича барча созлашлар айнан шу ерда амалга оширилади.




- “Свойства сайта” (Сайт хусусиятлари) бандида сайт номи, тавсифи ва иконкасини ўзгартириш мумкин;
- “Цвета” (Ранг)да сайтнинг орқа фон, саҳифалар, ҳаволалар, асосий ва иккинчи даражали матнлар ранги ўзгартирилади;
- “Изображение зоголовока” (Сарлавҳа расми) сайтга расмни сарлавҳа қўйиш имконини беради;



- “Фоновой изображение” (Орқа фон расми) бандида сайтнинг орқа фони учун расм қўйиш ёки бор бўлса уни ўзгартириш мумкин.


**6.3 Виджеты (Виджетлар).** WordPress тизимида сайтнинг фронтенд қисмида қўшимча функционаликни тақдим этувчи блоклар бирлиги ҳисобланади. Виджетлар сайт шаблони томонидан белгиланадиган “виджетларга учун мослаштирилган жойлар”га қўйилади.

Виджетлар сайтни юритувчи фойдаланувчи учун сайтнинг кўриниши ва функцияларини ўзгартириш имкониятини бериш мақсадида ташкил этилган. Виджетларни осонлик билан – устига сичқонча тугмасини босиб, қўйиб юбормаган ҳолатда виджетларни бир жойдан иккинчи жойга олиб бориш орқали ўрнатиш мумкин:




Виджетлар учун мосланган жойнинг қаерда бўлиши шаблонга боғлиқ. Шаблонингизга қараб виджетлар сайтингизнинг юқори (header), ён (sidebar), ёки пастки (footer) қисмларида жойлаштирилиши мумкин. Агар сайтнинг виджет қўядиган жойи бўлмаса, демак Сиз танлаган шаблон виджетлар тизими билан ишламайди.

**6.4 Меню** бандига кириб янги меню яратишингиз ва уни шакллантириш мумкин. Янги меню номини “Название меню” майдонига киритиб, “Создать меню” тугмасини босиб орқали яратилади.



Юқорида яратилган менюга саҳифа, мақола ёки алоҳида ҳаволаларни қўшиш учун улардан бирини ёки бир нечтасини белгилаб “Добавить в меню” (Менюга қўшиш) сўнг ўзгаришни сақлаш учун “Сохранить меню” (Менюни сақлаш) тугмаси босилади.



## 7. Пользователи (Фойдаланувчилар).

Ушбу бўлимда сайт фойдаланувчилари бошқарилади. Жумладан, янги фойдаланувчи қўшиш, уларга даража белгилаш, мавжудларини ўчириш ёки даражаларини ўзгартириш мумкин.

Добавить нового пользователя

Добавить существующего пользователя

Введите адрес e-mail существующего пользователя сети, чтобы пригласить его на сайт. Ему

E-mail

Роль

Добавить существующего пользователя

Добавить нового пользователя

Создать учётную запись нового пользователя и добавить его к этому сайту.


Имя пользователя (обязательно)

E-mail (обязательно)


Роль

Добавить нового пользователя

7.1 Ваш профиль (Сизнинг профилингиз) бандида ўзингиз ҳақингиздаги маълумотларни батафсил киритишингиз ёки сайт фойдаланувчилари маълумотларини ўзгартиришингиз мумкин.




**8. Инструменты (Ускуналар)** бўлимида сайтни бошқаришда администратор учун керак бўлиши мумкин бўлган қўшимча имкониятлар мавжуд. Улар орасида хатчўп қўйиш ва уни созлаш, сайт маълумотларини импорт/экспорт қилиш ҳамда сайтни ўчириш каби имкониятлар бор.




**9. Настройки (Созламалар)** бўлимида сайт созланмалари жойлашган. Бу ерда сайтнинг умумий ҳолатига таъсир этувчи энг муҳим созланмаларни

топишингиз мумкин. Унда барча турдаги созланмалар ўз тасир доирасига кўра алоҳида бўлимларга ажратилган:


- **Общие (Умумий)** бўлимида сайт номи, сайтга берилган қисқа тавсиф, почта манзили, вақт бирлиги, сана кўриниши, вақт кўриниши, хафтанинг биринчи куни ва сайт тилини созланади.



- **Написание (Ёзиш)** бандини танласак, куйидаги ойна очилади. Ушбу саҳифада ёзишлар формати ва сайтнинг бош сарлавҳасини созлаш имконияти мавжуд.





- **Чтение (Ўқиш)** бандида мақолаларнинг бош саҳифага чиқиш тартибини, саҳифалар сонини, мақолалар учун RSS тасмалар миқдорини ҳамда индексли ва индекссиз қидирув тизимини созлашингиз мумкин:




- **Обсуждение (Мухокамалар).** Ушбу бандда мухокамаларни созлаш учун жуда кўп функциялар тўплами жойлаштирилган.

Жумладан, жорий мақола ҳолати, иқтибосларни созлаш, электрон почтага хат юбориш вақти, қора рўйхат, OpenID ва жорий аватарларни созлаш функциялари мавжуд.




- Медиафайлы (Медиафайллар) бандида сайтга юкланадиган расм ўлчамининг максимум ва минимум чегараларини ҳамда миниатюра (мақолаларнинг қисқача тавсифида кўринадиган расм) кенглигини созлаш имконияти мавжуд.




- **Постоянные ссылки (Доимий ҳавола)** бандида сайтнинг барча “url” мазилиллари кўринишини созлаш имконияти шакллантирилган. У дастлаб кўйдаги кўринишда бўлади: <http://sayt-satellit.zn.uz/2016/03/24/sample-post/>.


Бу ерда “url” қисми номи фоиз % белгиларининг ўртасида ёзилади. Шунингдек, ўзимиз истаган кўринишни ҳам киритишимиз мумкин:



Масалан, **%postname%** ёзуви шу ерда мақола номи бўлишини аниқлатади. Агар **sayt-satellit.zn.uz** сайтида **/%postname %/** ни танласак у ҳолда, сайтда бирор саҳифани ёки мақолани очсак <http://sayt-satellit.zn.uz/maqola-nomi/> кўринишида чиқади.



- **OpenID** – бир қанча сайтлар ўртасида ягона идендтификация тизими ҳисобланади. OpenId созламаларидан фойдаланиб сайт фойдаланувчилари даражасига кўра уларни тизимга қўшиш ёки олиб ташлашимиз мумкин:



### Қўшимча маълумот

**PAGE (саҳифа)** ва **POST (мақола)** туридаги маълумотларнинг нима фарқи бор?

#### Мақола (POST)

Мақола WordPressда ҳар доим вақтга боғлиқ ҳолда акс эттирилади. Сайтга янги мақолалар тез-тез киритиб турилади. Сайтнинг янгиланиб туриши ҳам айнан унга қанчалик тез-тез мақолалар қўшилиб турилишига боғлиқ бўлади. Мақолаларнинг эски ва янгиси бўлади. Мақолалар бўлимлар (категориялар) асосида гуруҳланади. Мақола ёзилаётганда муаллиф мақоласининг қайси бўлим ёки бўлимларга тегишли эканлигини белгилаши зарур. Бундан ташқари мақолаларда калит сўзлар (теглар) бўлади. Калит сўзлар битта ёки бир неча сўзда бир нечта маъно жиҳатидан бир-бирига яқин бўлган мақолаларни бирлаштириши мумкин.

#### Саҳифа (PAGE)

Сайт саҳифалари ҳеч қайси жиҳатдан вақтга боғлиқ бўлмайди. Аслида мақоладан саҳифанинг асосий фарқ қиладиган жиҳати ҳам шу. Сайт саҳифаларида ўзгармас, камдан-кам ўзгарадиган маълумотлар ёзилади. Масалан, сайтнинг “Биз билан боғланиш” маълумотлари саҳифада ёзилади, мақолада эмас. Чунки бу маълумотлар сайтнинг манзили, электрон почтаси, телефон рақами ва ҳоказо шунга ўхшаш жиҳатларни ўз ичига олади ва

деярли ўзгартирилмайди. Сайт ҳақидаги саҳифа маълумотлари ҳам даярли ҳеч қачон ўзгартирилмайди. Саҳифалар бўлимларга ажратилмайди ва саҳифаларда, мақолалардан фарқли равишда, калит сўзлар тизими ишлатилмайди.